100796

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 6 июль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 49 (6746)

Даъват

Айтмоқчи бўлган фикрингизни эшита туриб, эътибор бермай кулиб турган одамдан сақланинг

АФЛОТУН.

Ибрат

Бўстонлиқ туманининг энг сўлим ва хушманзара ҳудудида жойлашган «Семурғ» номли болалар соғломлаштириш оромгоҳи ўз митти фотокиностудияси ва телевидениессига эга бўлди. Барча сарф-харажатларни туман ҳокимияти ўз зиммасига олди.

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИНГ

Америка Қўшма Штатларининг Атланта шаҳрида XXVI ёзги Олимпиада ўйинлари бошланишига саноқли кунлар қолди. 4 июль куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ана шу нуфузли мусобақага йўл олаётган мамлакатимиз спорт делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Президент анжуман қатнашчиларини қутлаб, спортчиларимизнинг мустақил давлат вакиллари сифатида олимпиада ўйинларида қатнашиши муҳим воқеа эканини таъкидлади. Зеро, спорт соҳасидаги ҳар бир ғалаба мамлакатнинг жаҳон миқёсида нуфузи ошишига хизмат қилади, ёшлар ўртасида спортнинг оммалашувига, буюк давлат асоси бўлган соғлом авлодни тарбиялаш ишига кўмаклашади. Ислом Каримов бу йўлда олис Америка заминида ўтказиладиган улкан мусобақа қатнашчиларига сабот, яхши кайфият ва сўнмас ирода ёр бўлишини тилади.

Қабул маросимида спортчиларга эсдалик совғалари топширилди. Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий олимпиада қўмитаси раиси С. Рўзиев, спорт фахрийси Р. Салимова, боксчи Н. Отаев, дзюдочи А. Мухторов мамлакатимизда спортчиларга яратилаётган шарт-шароит, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Президент Ислом Каримовга, республика ҳукуматига миннатдорлик билдирдилар. Олимпиада ўйинларидан ғалаба билан қайтиш, Ватанимиз қудратини яна бир бор намойиш этиш учун бор куч ва маҳоратларини сафарбар этажакларини баён қилдилар.

Учрашувда республика Бош вазири Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, А. Азизхўжаев, Олий Мажлис Раиси ўринбосари Б. Бугров, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз спортчилар, қадрдон ўғлонларим ва қизларим!

Ҳурматли мураббийлар!

Сизлар — халқимизнинг фахру ифтихори бўлган спортчилар билан улкан сафарингиз олдидан учрашмоқдамиз. Бу бежиз эмас. Чунки, эл-юртимиз шаъни, Ватан обрўйи яна бир бор синовдан ўтадиган пайтда бутун мамлакатимиз аҳли сизларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда.

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз насл-насабини, келажак авлодини асраб-авайлаб, унинг қадрини билса, ундай миллатнинг, ундай давлатнинг келажаги буюк бўлиши муқаррар. Зотан, ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир. Чунки сизнинг қиёфангизда бутун миллат ва мамлакат ғурури, келажаги, унинг буюк истиқболини кўрамиз.

Мен бугун сизлар билан нафақат Президент сифатида, балки муқаддас анъаналарга, бой тарихга, беқиёс маънавий қудратга эга бўлган халқимизнинг муътабар Ўзбекистон заминида яшаётган ва ҳаётнинг машаққатли синовларини кўрган катта авлод вакили сифатида учрашаяпман. Бугун халқимизнинг эътибори ҳақли равишда сиз азиз фарзандларимизга қаратилган.

Мен ҳаммангизни ишонтириб айтмоқчиман.

Сизларнинг Атлантага сафарингиз, олимпия ўйинларида иштирок этишингиз ўзи кифоя. Шунинг ўзиёқ ҳар бир ўзбекистонлик учун катта фахр ва ифтихордир.

Нега деганда, сизлар биринчи марта бундай йирик халқаро спорт беллашувларида, ёш, мустақил, кучга кираётган Ўзбекистон давлати номидан иштирок этяпсизлар. Жаҳоннинг энг кучли, манман деган спортчилари билан майдонга тушаяпсизлар.

Шунинг учун ҳам сизлардан биринчи ва асосий илтимосим: қандай ғўзал ва бетакрор Ватан, қандай мард ва танти халқ, эл-юрт номидан беллашув майдонига чиқаётганингизни ҳеч қачон, ҳар қандай пайтда унутмасангиз бўлди.

Иккинчидан, сиз қадрли ўғил-қизларимизга, айтадиган гапим шуки, биз ҳаммамиз, бутун эл-юртимиз, катта-ю кичик, кексаю ёш катта ҳаяжон, катта орзу-умид билан доим ортингизда бўламиз.

Беллашаётган вақтингизда, энг оғир, энг мураккаб чоғда, сизга куч ва ирода бағишлаб, мардлик ва шижоатга чорловчи муқаддас заминимиз, не-не полвонлару, афсонавий паҳлавонлар юрти-файзи ва улуғ боболаримиз пок руҳи мадад беражак, иншоолоҳ. Зотан, она халқ меҳр-муҳаббатидек қудратли куч, илоҳий қудрат оламда йўқ!

Яна бир нарсани алоҳида айтмасам, кўпчилик ишончини, юрагимизнинг туб-тубидан жой олган орзу-умидимизни билдирмасам бўлмайди, албатта: агар АҚШ заминида бирон бир марта Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилса, узоқ Америкада Ўзбекистон мадҳияси янграса, билиб қўйинг: бутун халқимиз сиз билан бирга ғалаба нашидасини суради. Бутун аждодларимиз руҳи ҳам сиздан шод бўлажак!

Сизларга улкан сафар олдидан бутун халқимиз номидан оқ йўл тилар эканман, сафарингиз бехатар бўлсин, елкангиз ер кўрмасин, улуғ Ватанимиз ва буюк халқимиз бахтига соғ-саломат бўлинглар, дейман.

Эл-юртингизга, ота-она бағрига соғ-саломат, ёруғ юз билан қайтишингизга тилакдошман.

Таълим тизимини тубдан янгилаш — давр талаби. Умумтаълим тизимини жаҳон андозалари даражасига яқинлаштириш борасида республикамизда ҳам жиддий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Хусусан, буни Тошкент шаҳридаги ибратли ишлар мисолида кўришимиз мумкин. Догматизм, яъни қолипбозлик ўқувчилар билимини баҳолаш жараёнида иш бермай қолди. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида баҳолашнинг кўп балли тизимига амал қилинади.

Муҳбиримиз Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи, педагогика фанлари доктори Ҳамидулла ЙУЛДОШЕВ билан ўзаро мулоқотда бўлди. Мавзу — ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп балли тизимига ўтишдаги афзалликлар қандай?

Таълимдаги ислоҳотлар

БУРИЛИШ

САВОЛ: Олий ўқув юртларида кўп балли баҳолаш тизими, яъни рейтингнинг қандай натижалар бераётганидан хабарингиз бўлса керак. Сизнинг ташаббусингиз билан бошланган умумтаълим мактабаларида рейтингни қўллашдан мақсад нима?

ЖАВОБ: Таълимда баҳолаш — муҳим жараён. Ҳар бир ўқувчи ўз билимининг ўқитувчи томонидан холисона ва ҳаққоний баҳоланишини истайди. Нотўғри қўйилган баҳо ўқувчининг ҳам фанга, ҳам муаллимга нисбатан иштиёқини сўндиради. Шу вақтгача амалда қўлланиб келинган баҳолашнинг «5» баллик тизими замон талаби, фан-техника тараққиётига кўра, ўқувчилар билимини, қобилиятини баҳолашда кенг қамровли имкониятга эга эмас. Бу тизим баҳолари орасидаги фарқ кам, имконияти тор. Баҳолашнинг «5» баллик тизими асосида имтиҳон топширадиган ўқувчи учта саволга жавоб изласа, кўп балли тизимда 50 тагача саволга жавоб қайтаради. Шунингдек, ўқувчи компьютер билан ишлашни билса, жавоб бериш янада осонлашади.

Мақсад нима деб сўрадингиз. Мақсад — ўқувчиларнинг билим даражасини ошириш, тор доирадан воз кечиб, кенгроқ имкониятдан фойдаланиш. У ўқувчининг ўз билимини ошириш бўйича мунтазам ишлашни ташкил қилиш ғоясига асослангандир. Тизимнинг

(Давоми 2-бетда)



ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊕ Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминнинг мамлакатимизга ташрифи муваффақиятли якунланди. Музокаралар якунида Президент Ислом Каримов ва ХХР раиси Цзян Цзэмин Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, яна бир қатор соҳалар бўйича ҳам ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди.

⊕ Шу йилнинг 2 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чиқди.

⊕ Хорижий расмий шахслар учун Шарқий Ирусалимда жойлашган Фаластин мухторияти ваколатхонасига бориш таъқиқланади. Исроил ҳукумати бундай ташрифлар Ирусалимнинг Исроил пойтахти сифатидаги обрўсига тўғри келмайди, дея баҳоламоқда.

⊕ Замонавий Туркия тарихида биринчи марта ҳукумат таркиби исломчилардан ташкил этилди. Президент Демирель улар етакчиси Нажмиддин Эрбанан бошчилигидаги маҳкама таркибини тасдиқлади. Таркиб Тансу Чиллернинг ўнг марказчилар партияси билан келишув асосида шаклланди.

⊕ Шу йилнинг 1 июлидан Европа иттифоқи раиси сифатида Ирландия мамлакати ўз фаолиятини бошлади. Бу «ўнбешлик» ишлари бўйича Италиянинг ўрнини олган Ирландия жорий йил якунига қадар раислик қилади.

⊕ Кўмир сектори тизимини қайта ташкил этиш дастурини амалга ошириш учун Россияга берилиши керак бўлган 525 миллионлик иккита заём ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди, дея хабар берди Россия иқтисод вазири ўринбосари Яков Уринсон.

ТАБИАТСЕВАР БОЛАЛАР АНЖУМАНИ

Яқинда Республика ёшларининг «БИОЭКОСАН» Ўқув-услубий маҳмуаси базасида мамлакатимиз ўқувчиларининг «Табиат кеча, бугун, эртага» деб номланган III анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда тўртта шўъбада иш олиб борилди.

«Табиат ва инсон» шўъбасида 11 вилоятдан 11 та ўқувчи иштирок этди. Қатнашчилар орасида Қорақалпоғистон Республикасидан келган 11-синф ўқувчиси Саломат Султонбоеванинг «Ўзбекистонда йўқолиб бораётган ҳайвонларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш йўллари» ҳақида қилган маърузаси диққатга сазовор бўлди. Маърузани ҳайъат аъзолари бир овоздан чоп этишга тавсия қилдилар.

2-шўъбада «Табиат бойликларидан унумли фойдаланиш ва уларни қўриқлаш» мавзусида маърузалар тингланди. Жиззахлик 9-синф ўқувчиси Шерзод Расуловнинг «Ствия» усимлигини устириш устида олиб борган тадқиқоти шўъбада ҳайъат аъзоларининг эътиборига сазовор бўлди.

«Сув ва ундан фойдаланиш» шўъбасида бухоролик 8-синф ўқувчиси А.Саидовнинг «Қишлоқларда ичимлик сув муаммоларини ҳал этиш йўллари» ва қашқадарёлик 8-синф ўқувчиси Д.Каримованинг «Сув манбалари ва улардан фойдаланиш» ҳақида қилган маърузалари чоп этишга тавсия этилди.

«Экология ва инсон саломатлиги» шўъбасида ҳам 11 вилоятдан 11 нафар ўқувчи иштирок этди. Хоразмлик 9-синф ўқувчиси Нилуфар Аллаберганованинг инглиз тилида қилган «Ўзбекистоннинг доривор усимликлари ва улардан фойдаланиш» маърузасини ҳакамлар аъло даражада деб баҳоладилар.

Шўъба ишларида таниқли олимлар, мутахассислар ҳакамлик қилишди. Анжуманнинг очилиш маросимида халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев ва халқаро «ЭКОСАН» жамғармасининг Президенти Ю.Шодиметовлар иштирок этди. Анжуман сўнгида қатнашчиларнинг республика ўқувчиларига табиатни асраш мавзусидаги мурожаати қабул қилинди.

Эшбой ТУРДИҚУЛОВ,
«БИОЭКОСАН» мажмуаси директори.

Тест марказида нима гап?

ДИҚҚАТ! ЯНГИЛИК

Давлат тест маркази ахборотларни йиғиш ва жўнатиш бўйича ҳозирги замон талабларига жавоб бериш учун Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги ўз бўлимлари билан компьютерлар орқали алоқа олиб боришни йўлга қўйди.

Биринчи босқичда тест марказидан керакли маълумотлар модем орқали вилоятларга жўнатилиб ва улардан керакли ахборотлар олинмоқда. Бунинг натижасида Давлат тест маркази билан вилоятлар тест марказлари ахборот алмашуви бир неча баробар тезлашди ва бу мақсадлар учун ишлатиладиган харажатлар анча арзонлашди.

Бу ахборот воситасининг Давлат тест марказида ташкил этилиши республикамизда тест синовларини юқори савияда ўтказиш ҳамда бу муҳим тадбирга жалб этилган ходимларнинг иш юритишини ҳозирги замон даражасига кўтариш имкониятини беради.

Ўқув юртлари Давлат тест марказига абитуриетлардан тушган аризалар, монанд касб бўйича олган имтиҳон натижалари, гуруҳларнинг шаклланиши каби маълумотларни йиғиш ва кейинчалик Республикамиз мактабларидаги битирувчи синф ўқувчиларининг тест бўйича билим даражаларини шу алоқа орқали тест марказига тез ва аниқ юбориш имкониятини беради.

ДТМ

ЯГОНА ТИЗИМ

Йсроилнинг янги ҳукумати мамлакатдаги савдо, жамоат ҳамда университет компьютер системаларини ягона бир тизимга бирлаштиришни бошлади.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

ИҚТИДОРЛИЛАР КИТОБИ

Озарбайжон республикасида иқтидорли ёшларнинг «олтин китоби» таъсис этилди. Китобдан ўрин олган ёшлар махсус жамғарма стипендиялар билан таъминланиб турадилар.

ВАЪДА

АҚШнинг Мичиган университети студентларни тинчлантириб, уларга тез-тез интернет компьютер тизимидан фойдаланиш имкониятини яратиб беришга ваъда берди.

ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Шимолий Каролина университетининг профессорлари АҚШда синфхоналарда техникадан фойдаланишни ривожлантириш мақсадида илмий очеркларни тўплашга киришди.

ОЛИМ БЎЛСАНГ...

Аляскалик талабаларнинг кўприк қурилиши бўйича тузган лойиҳаси миллий давлат мукофотига сазовор бўлди.

Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги

ИНГЛИЗ ТИЛИГА «ШЎНҒИЙМИЗ»

Америка Қўшма Штатларининг Тинчлик корпуси 1961 йил 1 мартда Президент Ф. Кеннединиг Махсус Фармони билан ташкил этилган. Унинг бош мақсади бир-бирини тушуниш орқали турли миллат кишилари ўртасида тинчликни мустаҳкамлашдир. Тинчлик корпуси АҚШнинг мустақил ҳукумат муассасаси, Президент Ижроия Қўмитасининг ҳисоб берувчиси бўлиб асосан уч мақсадни кўзлаган ҳолда фаолият кўрсатади:

1. Муҳтож бўлган давлатларни малакали ходимлар билан таъминлаш.

2. Бошқа миллат вакилларининг америкаликларни яхшироқ тушунишларига эришиш.

3. Америкаликлар томонидан бошқа миллат вакилларини яхшироқ тушунишга эришиш.

Маълумки, 1992 йил 4 ноябрида Ўзбекистон ҳамда Америка Қўшма Штатларнинг Тинчлик корпуси ўртасида давлатлараро шартнома имзоланган эди. Ўша йилиёқ ҳукуматимиз тинчлик корпусини олий ва ўрта билим даргоҳларида инглиз тилидан дарс беришга, шунингдек, кичик бизнесни ривожлантиришда ёрдам беришга таклиф қилди.

Биринчилар қаторида 1992 йилнинг 20 декабрида Тошкентга бошланғич уч ойлик курсларда ўқиш учун 54 нафар кўнгиллилар келишди. Чунки, тақсимланган минтақаларда ўз хизматларини бошлашдан аввал улар, албатта, бу курсларда бўлишлари лозим эди. Тинчлик Корпусининг кўнгиллилари олий маълумотга эга. Уларнинг кўпларида етарлича иш тажрибаси, энг асосийси Узбекистон халқига чин юракдан ёрдам беришдек эзгу мақсад бор.

Тинчлик корпуси Узбекистонда асосан иккита дастурни амалга оширмоқда. У ҳам бўлса, кичик бизнес ва инглиз тилини чуқур ўқитишдир.

Инглиз тилини ўқитиш дастури уч йўналишда олиб борилади: биринчидан, ҳозирги замон методикаси бўйича тайёргарликдан ўтган америкалик муаллимнинг урта ва олий ўқув юртлари талабаларига сифатли дарс бериши;

— иккинчидан, инглиз тили муаллимларининг тил ва техника даражасини ошириб, педагогик материалларни эгаллашда тегишли вазирликларга кўмак бериш;

— учинчидан, кўнгилли муаллимлар ўзларининг маҳаллий ҳамкасбларига касбий ахборот алмаштириш бирлашмасини ташкил этиш ва ривожлантиришда ёрдам бериш.

Тинчлик корпуси раҳбарлигида республикамизда жуда кўп тадбирлар ўтказилган. Жумладан, 1994 йилда Республика таълим илмий методика марказида «кўнгиллилар» ҳамда ХТВ ҳамкорлигида ўтган конференция, 1995 йил ёзида Ўрганч шаҳрида ўтказилган семинар, 1996 йилги Бухородаги семинарларни бунга яққол мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Яқинда тинчлик корпусининг ташаббуси билан республика мактабларида инглиз тилидан чуқур билимга эга бўлган ўқувчилар ўртасида танлов ўтказилди. Натижаларга кўра жами 334 нафар ғолиб ўқувчи «Инглиз тилига шўнғиймиз» (Погружение в английский язык) деб номланган шаҳар четидаги «автомобилчи» лагерида ўқиб, дам олишадиган бўлдилар.

Шукур ПЎЛАТОВ.

Абитуриент-96

ҚАБУЛ БОШЛАНДИ

Шу кунларда жумҳуриятимиздаги барча олий ўқув юртлари ҳовлиси талабалик орзусида юрган минглаб ўғил-қизлар билан гавжумлашмоқда. Яқиндагина ўрта мактабни тугаттан толиби илмлар ўзлари истаган билим масканларига ҳужжатларини топширишни бошлаб юборишди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида ҳам абитуриентларни қабул қилишни расмийлаштириш ишлари қизғин бормоқда. Биз институт қабул комиссиясининг масъул котиби, педагогика фанлари доктори, профессор Маҳаматрасул Жўраевдан бу йилги қабул шарт-шароитлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Институтимизда 13 та факультет мавжуд бўлиб, унда 31 та ихтисослик бўйича ўқитувчи мутахассислар тайёрланади. Чунончи, тарих ва ҳуқуқшунослик, ўзбек тили ва адабиёти, математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси, кимё, физика, мусиқа олигрофрено — педагогика, бошланғич таълим методикаси, бадиий графика ва бошқалар. Дарслар эса асосан ўзбек, рус, қозоқ, корейс тилларида олиб борилади.

— Режа бўйича қанча талаба қабул қилиниши керак?

— Минг нафар атрофида.

— Ҳозирда ҳужжат топширганлар сони кўпайиб кетгандир?

— Ўтган уч кун давомида жами 156 та ҳужжат қабул қилинди.

Жумладан, тарих ва ҳуқуқшуносликка 18, ўзбек тили ва адабиётига 16, математика 8, чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия факультетига 17 нафар абитуриент ҳужжат топширган. Менимча, бу йил ижтимоий гуманитар факультетларига бир ўринга 8-10 кишидан тўғри келса керак. Бироқ биз бундан асло ташвиш чекаётганимиз йўқ. Аксинча мустақил юртимизда ўқитувчилик касбига меҳр-муҳаббати бор ўғил-қизлар кўпайиб бораётганидан ниҳоятда хурсандмиз. Улардан билими пухта, ижодий тафаккури бор ўқувчи, ҳеч шубҳасиз, талаба бўлади.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

«КЎЗ-КЎЗ»ГА АРЗИГУЛИК КЕЧМИШЛАР

Андижонда 1992 йили ажойиб бир музей ташкил этилган экан. Музейда вилоят маорифи тарихидан сўзловчи кўргазма, сурат, китоб, альбомлар мавжуд бўлиб, улардан биз ўтмишда 7 та мадраса, 19 та Европа усулидаги мактаблар фаолият юритганлигини, ўқувчилар ишлатган ручкалар, сумка, дарсликлар қандай бўлганлигини осонгина билиб оламиз. Бундан ташқари музейда «Зиёкор» кўп нусхали газетаси тахламлари ҳам босиб ўтилган йўлнинг зарварақлари сифатида авайлаб асралмоқда.

ТОТЛИ ТАЪТИЛ

Қумқўрғон туманида ўқувчиларнинг ёзги таътили кўнгилли ўтиши борасида бир талай юмушлар амалга оширилмоқда. Туман халқ таълими бўлими касаба уюшмаси раиси Соатмурод Суюновнинг маълумотларига қараганда, 6-мактабда оромгоҳлар ташкил этилиб, уларда 700 нафар бола ҳордиқ чиқараётир.

Шундай дам олиш масканларидан бири А. Навоий номидаги 2-мактабнинг соя-салқин боғида жойлашган. Бу ерда 1-навбатга 150 ўғил-қиз жалб этилган. Кичкинтойларнинг овқатланишлари, ухлашлари, саёҳатга чиқишлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қулайликлар яратилган.

Ўқувчилар кун тартибига кўра 8-00 дан 16-00 гача меҳрибон тарбиячилари етакчилигида бўш вақтларини мазмунли ўтказишаётганлигидан уларнинг ота-оналари миннатдордирлар.

СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Жиззахда умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари ўртасида 2-вилоят спорт фестивали бўлиб ўтди. Вилоят халқ таълими бошқармаси ва «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти томонидан ташкил қилинган ушбу мусобақаларда 10 та жамоа иштирок этди. Ўқувчилар олти спорт тури бўйича куч синашдилар. Шунингдек, митти футбол, «Тўп сардорга» ўйини бўйича қўшимча беллашувлар ўтказилиб, ғолиблар аниқланди.

Қизиқарли ва муросасиз кураш остида ўтган мусобақаларда Жиззах шаҳри ва Жиззах тумани вакилларига тенг келадиганлар топилмади. Улар шахсий ҳисобда ҳам, умумжамоа ҳисобида ҳам фахрли биринчи ва иккинчи ўринларни забт этдилар. Бахмал ва Ғаллаорол туманларининг ёш спортчилари ҳам мусобақаларда яхши иштирок қилдилар.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

МЕЗБОН БЎЛИШ ОСОНМИ?

Ҳаёт қизиқ. Гўдаклигидан силабсийпалаб ато этилган тарбиянинг бир қисми вақти келиб болаларимизнинг юрагига жо бўлса, қолган қисми, албатта, чўнтагига тушаркан.. Ҳайрон бўлдингиз-а?!

Дарвоқе, яқинда Қарши туманининг Бешкент қўрғонида жойлашган ҳунар лицейида Қашқадарё вилояти ҳунар таълими муассасалари раҳбарлари битирувчи ўқувчиларнинг шаҳодатнома ва дипломларини тўлдириш боисида астойдил кенгашиб қўйишди.

Муаллифлар: А. ОБИДДИНОВ, Н. ТЎРАЕВ. Ғ. МАННОПОВ.

(Боши 1-бетда).

асосий моҳияти шундан иборатки, фанлар бўйича ўқувчининг ўзлаштиришини назорат қилиш 3 хил йўл билан ташкил этилади: кундалик назорат (КН), оралиқ назорат (ОН), якунловчи назорат (ЯН).

Кундалик назорат жорий текширув бўлиб, энг муҳим босқич ҳисобланади. У кундалик ўтилаётган дарсларни ўз вақтида ўзлаштиришни назорат қилиб боради.

БУРИЛИШ

Оралиқ назорат предмет бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз вақтида ўзлаштиришни назорат қилиб боради.

Оралиқ назорат предмет бўйича ўтилган бир неча мавзуларни ўз ичига олган бўлиб, у каттароқ ҳажмдаги мавзу бўйича ўқувчининг билимини баҳолаш демакдир.

Якунловчи назорат предмет учун ўқув режасида ажратилган дарслар тугагач, бутун ўтилган мавзулар бўйича ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун ўтказиладиган жуда масъул назоратдир. У бутун ўқув режасини қамраб олиши зарур.

Назоратнинг бу усули бўйича башқармамизнинг махсус «Ахборот тўплами»да батафсил тушинтириш берганмиз. Бу тўплам ҳозирча фақат шаҳримиз мактабларига тарқатилди. Ушбу тизим билан чуқурроқ танишмоқчи бўлган ўқитувчи ва мутахассислар «Халқ таълими» журналининг 1996 йил 2-сонидаги мақолага мурожаат қилишлари мумкин.

САВОЛ: Рейтинг тизимини қўллаш учун қандай амалий-ташкилий ишлар олиб борилмоқда?

ЖАВОБ: Рейтинг тизими моҳиятини тушунмаганларда уни қўллаш бўйича иккиланишлар бўлди. Шунинг учун биз бир неча марта шу мавзуда семинарлар ташкил қилдик. Ўз фаолиятида компьютерларни кенг қўллаб юрганлар бу тизимга дарҳол рози бўлишди. Шаҳримизда 250 та умутаълим мактаблари бор. Уларнинг барчаси асосан «Правец» маркали ЭҲМлар билан таъминланган. Кейинги йилларда 100 га яқин янги турдаги мактаблар ташкил этилди. Шунингдек 38 та ҳунар-техника билим юртлари мавжуд. Ўтган йилларда Сирғали, Мирзо Улуғбек, Миробод туманлари мактабларида ЭҲМлар ёрдамида имтиҳонлар ўтказилган бўлса, бу ўқув йилида шаҳримиздаги барча битириш имтиҳонлари компьютер ёрдамида рейтинг тизимига ёндашилган ҳолда олиб борилди. Дастлабки натижалар ёмон эмас. Бу усулда имтиҳон олиш ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига киришларида мавжуд бўладиган психологик тўсиқни олиб ташлашга ёрдам беради.

САВОЛ: Рейтинг усулида билимни баҳолаш ҳақиқатдан ҳам самарали экан. Сиз ўзингиз ҳам мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида ўтказилган имтиҳонларни кузатган бўлсангиз керак?

ЖАВОБ: Биласизми, ўз иш вақтимнинг кўп қисмини мактабларда ўтказишга ҳаракат қиламан. Имтиҳонлар даврида ўнлаб мактабларда, қатор ҳунар-техника билим юртларида, катталар таълим марказларида бўлдим. Шуниси қизиқарлики, мактабларда ўқувчилар фақат ўзларининг назарий билимларини намоён қилган бўлсалар, ҳунар-техника билим юртларида, катталар таълим марказларида ўқувчилар нафақат назарий билим, балки амалий кўникмаларини ҳам намоён этишди. Шу борада бир воқеани айтиб бермоқчиман. 45-катталар таълим марказида бўлган имтиҳон жараёнида ўқувчи Мухлиса Абдуллаева миллий ҳунармандчилик мутахассислиги бўйича компьютерда имтиҳон топшириб бўлганидан сўнг, ўз қўли билан парчадан тиккан қўйлакни намойиш этди. Суҳбат давомида шу нарса маълум бўлдики, у қўйлак материали учун минг сўм сарфлабди. Тайёр қўйлак таннархи эса 4-4,5 минг сўм турар экан, уни тикиш учун бир ҳафта вақт кетибди. Энди ўзингиз хулоса қилиб олаверинг. Бу аёл кишининг бозор иқтисодиёти шароитида оиласи бюджетига қўшадиган реал даромади эмасми?!.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, рейтинг тизимида баҳолаш ўқувчиларга ҳам, ўқитувчиларга ҳам кенг имкониятлар яратиб беради. Рейтинг ўқувчи билимининг холис тарозиси ва кўзгусидир.

САВОЛ: Келгусида бу борада қандай ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда?

ЖАВОБ: Таълим тизимига янги технологияларни татбиқ этиш тажрибаларини кенг кўламда амалга ошириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги 1996-97 ўқув йилида битирув имтиҳонларини марказлашган ҳолда Республика Давлат Тест маркази томонидан ўтказилиши масаласини ҳал қилишга киришди. Бу борада алоҳида тизим ишлаб чиқиш мўлжалланаётир. Албатта, бу ишларнинг барчаси юқори идораларнинг аралашуви ва ёрдамига кўра ҳал қилинади.

— Ҳамидулла ака, шаҳар таълим тизимида юз бераётган бундай бурилиш, албатта, вақт ўтиб ўз ижобий натижасини беради, деган умид билдирамиз. Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Ҳ. ТЎЙМАНОВА ёзиб олди.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

ЮТУҚЛАР — МУНОСИБ АРМУҒОН !

Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳаракатида мамлакатимиз халқ таълими ходимлари ҳам ўз ватанпарварликларини намоён этмоқдалар. Буни шу кеча-кундузда ўқув ва тарбия муассасаларини таъмирлашда, янги ўқув йилига пухта ҳозирлик бўйича комплекс ишларнинг адо этилишида ҳам яққол кўриш мумкин. Шаҳар ва туман ҳокимиятларининг катта эътибори ҳамда ғамхўрлиги, оталиқ ташкилотлари, хомийлар ва ота-оналарнинг бевосита кумаги, педагогик жамоаларнинг ташаббускорлиги туфайли кўпгина жойларда белгиланган ишлар муваффақиятли бажарилаётир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж.Ғ.Йўлдошев номига жорий таъмир ишлари ва бошқа режалар муддатидан илгари адо этилганлиги тўғрисида шошилинчномалар, хушхабарлар келиб турибди.

«Ангрен шаҳар халқ таълими бўлими шаҳардаги таълим ва тарбия муассасаларида жорий таъмир ишлари ва 1996-1997 ўқув йилига тайёргарликнинг асосий режалари муваффақиятли якунланганлигини хабар қилади, — дейилади шаҳар халқ таълими бўлими мудири М.Турғунбоев имзоси билан йўлланган шошилинч хушхабарда. — Таъмир ишлари педагогик жамоа томонидан, оталиқ ташкилотлари ва ота-оналар ёрдами билан мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳамда ўқитувчилар иштирокида амалга оширилди».

Иккинчи шошилинчномани Учқўрғон туман халқ таълими бўлими мудири О.Зайниев йўллаган. Унда қайд этилишича, туман таълим тарбия муассасалари 1995-1996 ўқув йили хўжалик режаларини барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарганлар ҳамда биноларни таъмирдан чиқариб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйганлар.

Андижон индустриал педагогика техникуми жамоаси мамлакатимиздаги энг улуг байрам — Мустақиллик кунини янги-янги ютуқлар билан қаршилашга аҳд қилган. Ана шу ютуқлардан бири ҳақида техникум директори А.Хошимов имзоси билан йўлланган хушхабарда шундай дейилади: «Техникумимиздаги барча ўқув хоналари, лабораториялар, устахоналар, ётоқхона ва ошхона бинолари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди. Шунингдек, билим масканимиз жамоаси 1996 йил учун металл парчалари йиғиб топшириш режасини ҳам ошириб адо этди».

Чортоқ шаҳар халқ таълими ходимлари Наманган вилоятида таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлашда таянч тажрибага эга бўлган маорифчилардир. Бу ерда янги ўқув йилига комплекс тайёргарлик шаҳар ҳокимияти қошидаги халқ таълими бўйича Кенгаш ишлаб чиққан тадбирлар асосида изчил амалга ошириш анъана бўлиб қолган. Чортоқ шаҳар халқ таълими бўлими А.Раҳматов имзоси билан йўлланган шошилинчномада ана шу тадбирлар самараси ҳақида гап боради.

«Шаҳар халқ таълими бўлими 1996 йил 25 июнда Чортоқдаги 12 та ўрта мактаб, 11 та болалар боғчаси, 4 та мактабдан ташқари муассасани таъмирдан чиқариб, янги ўқув йилига тўла тайёрлаб қўйганлигини маълум қилади, — дейилади шошилинчномада. — Таълим муассасаларини таъмирлаш ишларига 1 миллион 269 минг сўм маблағ сарфланди. Бу хайрли ишда оталиқ ташкилотлари, хомийлар ва ота-оналар яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Халқ таълими бўлими барча соҳаларда янги ўқув йилини муносиб кутиб олади ва ўқув-тарбия ишларини давр талаблари асосида ташкил этади деб ишонтирамиз».

Ҳа, бундай хушхабарлар кўп. Булар янги ўқув йилига ҳозирликка режали асосда масъулият билан ёндашган таълим муассасалари жамоаларининг ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликдаги фаолияти натижалари, албатта. Бироқ шуни ҳам қайд этиш керакки, айрим таълим-тарбия муассасаларида бу масъулиятли ишга узибуларчилик ҳолатида ёндошаётган, оталиқ ташкилотлари, хомийлар ҳамда ота-оналарни жалб қилолмаётган жамоа раҳбарлари ҳам бор. Бу аввалдан тузилган режа асосида ишламаслик, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигини яхши йўлга қўя олмаслик, ҳанузгача боқимандалик кайфиятида юрган айрим мактаб раҳбарлари суст фаолиятининг умум ишга таъсиридир.

Янги ўқув йилига тайёргарлик фақат биноларни таъмирдан чиқариш деб тушуниш хатодир. Аввало, ўқув базасини мустаҳкамлашнинг барча чора-тадбирларини — биноларни таъмирлаш, иситиш тизимларини созлаш, ўқув хоналари, лабораториялар, устахоналарни жиҳозлаш, таълимнинг техник воситалари шайлигини тўлиқ назоратдан ўтказиш, мактаб кутубхонасини бойитиш, ўқув қўлланмалари, дарсликлар ва ашёлар билан таъминлаш, қишки мавсумга ҳозирликни адо этиш керак.

Энг муҳим ишлардан бири 1-синфларни комплектлаш, болаларни мактабга тайёрлаш, малакали ўқитувчи кадрлар билан таъминлашдир. Бу ўринда янги алифбони ўқитиш муносабати билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилишга эътиборни қаратиш лозим. Педагог ходимлар билан тузилган битимларнинг бажарилишини таҳлил этиш, чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, таълим муассасаси ходимларининг малакасини устириш, август кенгашларига тайёргарлик — буларнинг ҳамма-ҳаммаси энг долзарб ишлардир. Шунга эришиш керакки, бажарилган барча ишлар янги ўқув йилини муваффақиятли бошлашга кафолат бўлсин. Ана шундагина эришган ютуқларимиз — Мустақиллик кунига муносиб армуғон бўлади.

Маҳкам РАҲМОНОВ.

1-Тошкент педагогика билим юрти талабалари қўшимча машғулотларда кийим-кечакларни бичиб-тикиб тайёрлаш сир-асрорларини ҳам ўрганишади. Фидойи муаллима М.Турсунхўжаева машғулотларни ҳар доим амалиёт билан уйғунлаштириб олиб боради.

Суратда: М.Турсунхўжаева шогирдларига қизлар либосини тайёрлашда нималарга эътиборни қаратиш зарурлиги ҳақида тушунча бераётир.

Суратчи В.КИРИЛЛОВ.

Мустақиллик одимлари

ЯХШИ ИШЛАР ДЕБОЧАСИ

Халқимизда «Яхши отга бир қамчи» деган ҳикмат бор. Қашқадарёликлар ҳам ориятли кишилар. Шунинг учун вилоятнинг навбатдан ташқари сессиясидаги Президентимиз И. А. Каримов маърузасидаги танқидларни тўғри тушундилар. Сессияда Баҳористон тумани тўғрисида ҳам жиддий фикрлар айтилиб, бу ерда ободончилик, халқ таълими борасидаги қатор камчиликлар таъкидлаб ўтилганди. Тўғри хулоса чиқариб, аниқ тадбирлар белгиланиши янгиланишлар сари кенг йўл очди. Бугунги кунда Баҳористонда туман ҳокимиятининг саъй-ҳаракати натижасида янги бозор, автовокзал иншшотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Беш минг кишилик стадион, ҳаммом қурилишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Босмахона, телевидение, хонадонларни газлаштириш, ичимлик суви келтириш каби ишларда талайгина вазифалар адо этилди.

Халқ таълими соҳасидаги камчиликларни бартараф этишда ҳам кўпгина тадбирлар муваффақиятли бажарилаётир. Яқинда туман ҳокимлигининг бўлиб ўтган навбатдан ташқари кенгайтирилган йиғилишида бу масала атрофлича кўриб чиқилди. Йиғилишда мактабларнинг директорлари, оталиқ ва ҳомий ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этдилар. Унда барча таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш, шунингдек, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказишни ташкил қилиш, ўтган ўқув йили давомида таълим-тарбия соҳасида эришилган натижалар атрофлича кўриб чиқилди ва кенг муҳокама қилинди.

Янги ўқув йилига тайёргарлик, шубҳасиз, ўтган ўқув йили натижаларини атрофлича ўрганиб тўғри хулосалар чиқариш ва амалий тадбирлар белгилаб, уларни изчил бажариш билан боғлиқдир.

Туман мактабларининг ўқитувчилари кўрик-танловлар ва педагогик ўқишларнинг босқичларида, ўқувчилар эса фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этдилар. Ана шу борада юқори кўрсаткичларга эришган мактабларнинг директорлари, ташкилотчилар, илмий бўлим мудирлари, ўқитувчи-тарбиячилардан 45 киши яқинда Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарларида дам олиш саёҳатида бўлиб қайтдилар. Саёҳат давомида улуғ бобокалонимиз Амир Темур бўлган жойларни зиёрат қилдилар, энг яхши мактаб-боғчаларнинг иш тажрибалари билан танишдилар. Шу билан бирга «Мингчинор» ва «Мингбулоқ» дам олиш масканларида маданий ҳордиқ чиқардилар. Туман ҳокимияти ва халқ таълими бўлими навбатдаги гуруҳ саёҳатини ҳам режалаштирган. Бу гуруҳ таълим-тарбия ишида ўрнак бўлаётган ўқитувчи-тарбиячилардан ташкил топади. Улар жумҳуриятимиздаги тарихий обидаларни зиёрат қиладилар, жойлардаги ҳамкасблари билан учрашадилар.

Маорифчиларни ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида моддий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Туман халқ таълими бўлими ўз касбининг моҳир усталаридан 50 нафарини 1000—1500 сўмдан пул мукофотлари билан тақдирлади. Шу билан бир қаторда илғор ўқитувчиларнинг тажрибаларини оммалаштириш ишлари ҳам кенг йўлга қўйилаяпти. Ана шу мақсадда тумандаги 4 нафар ўқитувчи-раҳбарнинг иш тажрибаси кўп нусхада плакат-буклет ҳолатида чоп эттирилмоқда, тажриба мактаби яратган ўқитувчилар тўғрисида стендлар ташкил этилаётир.

Шу кеча-кундузда мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилаяпти. Бунга оталиқ ва ҳомий ташкилотлар ҳам жалб этилган. Тумандаги кўпгина мактабларнинг жамоалари ҳозирнинг ўзидаёқ ўқув хоналари ва устахоналарни янги ўқув йилига шай қилиб қўйишди. Дарсликлар, ўқув қуроллари ва воситалари билан таъминлаш бўйича режаларни амалга оширишга, айниқса, алоҳида эътибор берилмоқда. Анъанавий август кенгашларига ҳозирлик кўриш бўйича тадбирлар аниқ белгилаб олинди.

Умуман, Баҳористон туманида, барча соҳада бўлганидек, халқ таълими соҳасида ҳам янгиланишлар сари дадил одимлар қўйилмоқда. Бундай эзгу ишлардаги муваффақиятларни маорифчилар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишлашмоқда.

Асрор ҚИЛИЧЕВ,
Баҳористон туман халқ таълими бўлимининг бош эксперти, халқ таълими аълочиси.

Мактабгача тарбия муассасаларида

БАРЧАСИ ЖАЖЖИЛАР УЧУН

Нафис қўйлакчаларининг орқа томонига капалақлар тақиб олган 1-2 ёшдаги жажжи қизалоқлар қўлларини чиройли силкитиб даврани гир айланишмоқда. Дув этиб бориб гулларни ҳидлашидан, қўлларини қанотга ўхшатиб силкитиб-силкитиб қўйишларидан барча ҳаракат ва ҳолатларидан яққол сезилиб турибдики, улар ҳозир ўзларини болакайлар деб эмас, ҳақиқий капалаклар деб тасаввур қилишмоқда...

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги 20 «Ниҳол» яслиси дарвозасидан кирар эканман, даставвал кўзим юқоридаги ҳолатга тушди. Дарҳақиқат, бу ерда Тошкент шаҳар мактабгача тарбия муассасалари услубчиларининг «Илк ёшли болалар ҳаётида ўйиннинг аҳамияти» мавзуидаги кенгаши ўтказилаётган эди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, мазкур кенгаш ўз олдига қўйган вазифаларни маъруза ва чиқишлар орқали эмас, тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг бир-биридан қизиқарли ўйин-машғулотлари орқали ифодаланаётган эди.

— Илк ёшли болалар тарбиясида сенсор тарбиянинг, яъни болаларни ўйин орқали, жонли кўргазмали машғулотлар орқали тарбиялашнинг афзаллик томонлари беқиёсдир, - дейди 20-«Ниҳол» яслисининг мудираси Ирина Байсалова. - Чунки бола бу ёшда бир нечта рангни ва саноқлигина нарсаларни билади. Уларнинг борлиқ ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш учун жонли нарсалар ва кўргазмали ўйинчоқлар орқали баён этсаккина кўзланган мақсадга эришамиз. Илк ёшдаги болаларга ҳар қандай машғулотни фақат ўйин орқалигина сингдириш мумкин.

Мазкур кенгашда Тошкент шаҳар мактабгача тарбия муассасалари услубий бирлашмасининг раиси Г. Дорофееванинг ҳисоботи, сенсор тарбия, жисмоний тарбия бўйича ўтказилган машғулотлар тўпланганларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, соҳа мутахассисларининг «Ниҳол» яслиси мудираси Ирина Байсалова бошчилигидаги «Муъжизалар майдони» ўйини қизиқарлилиги билан ҳаммани хушнуд этди.

З. УСМОНОВА.

Иқтисод сабоқлари

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШДА МУЛКЧИЛИК ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ШАКЛЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг туб маъноси нима ва уни бизнинг мамлакатимизда амалга оширишдаги асосий тамойиллари қандай? Бу саволга жавоб излаб кўриш иқтисод сабоқларининг энг муҳим масалаларидан биридир.

Мавжуд адабиётларда бозор иқтисодиётининг туб маъносини иқтисодчи олимлар томонидан ягона бир қоида сифатида ёритиб беришга қанчадан-қанча уринишилар бўлганини кўрамиз. Бироқ ҳанузгача дунё бўйича тан олинган бир хил талқин йўқ. Баъзи адабиётларда товар ишлаб чиқариш нуқтаи назардан талқин этилса, баъзиларида эса воситачиликни кучайтириш нуқтаи назардан, бошқа адабиётларда харидор нуқтаи назаридан бозор иқтисодиёти маъноси тавсифланади.

Жаҳондаги мамлакатлар, улардаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тизимлар, фан ва техниканинг ривожланиш даражалари, маданият, маънавият, халқларнинг анъаналарию урфу одатлари, диний эътиқодлари, мамлакатлар табиий бойликларию жўғрофик-иқтисодий жойлашишлари ранго-ранг ва турличадир. Шунингдек, бозор иқтисодиётида бевосита қатнашувчиларнинг имкониятлари ҳам чексиз. Шу туфайли «бозор иқтисодиёти» тушунчасини ҳам чексиз маънони ўз ичига қамраб олган тушунча деб қарасак, янглишмаймиз.

Кенг маънода бозор иқтисодиётини товар-пул муносабатлари йиғиндиси деб тушуниш мумкин. Аммо бу тушунчани аниқ бирор мамлакат шароитида кўрсак, у бир хил эмаслиги тезда кўзга ташланади. Шу ўринда ўқувчига юртбошимиз И. А. Каримов дунёнинг бошқа мамлакатларидаги бозор иқтисодиётининг ривожланиш андозаларини кучли иқтисодчи сифатида таҳлил қилиши натижасида республикамизда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини илмий асосда ишлаб чиққанлигини эслатиб ўтиш жоиздир.

«Биз бошқа давлатларнинг ривожланиш жараёнида тўпланган ва республика шароитига татбиқ қилса бўладиган барча ижобий тажрибалардан фойдаланиш имкониятини истисно қилмаймиз. Айни чоғда бирон-бир андозадан, ҳатто у муайян мамлакатда ижобий натижаларга олиб келган бўлса ҳам, кўр-кўрона нусха кўчириш мутлақо номақбулдир. Шуниси аниқ равшанки, муайян воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, улар ўша мамлакатга хос бўлган алоҳида шароитдагина ижобий самара бериши мумкин. Аксинча, жозибадор бўлишига қарамай, аслида бегона, ёт андозалар сунъий равишда тиқиштирилган жойларда иқтисодий ислоҳотлар муқаррар равишда барбод бўлаверади», — деб таъкидлайди Президентимиз И. А. Каримов «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки даврида, биринчидан, мамлакатимизда мавжуд бўлган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазиятни чуқур таҳлил қилиб, республикамизни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳисобга олиб, иккинчидан, халқимизнинг яхши турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлай оладиган, инсонни шахс сифатида маънавий, ахлоқий камол топишини таъминлай оладиган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини топиш муаммоси турган эди. Муаммонинг ечими Президентимиз рисолаларида кўрсатиб берилди: «Ўзбекистон учун ўзи танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатларига, шарт-шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир». Бу республикамизда амалга оширилаётган бозор иқтисодиётига ўтишнинг туб маъносини ифодалайди.

Мамлакатимизда танланган йўл нақадар тўғрилиги йиллар ўтган сайин ўз исботини топмоқда. Буни МДҲ мамлакатлари билан биздаги иқтисодий ютуқларни таққослаганда ҳамда бутун жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари томонидан бизнинг йўлимиз ижобий баҳоланаётганидан ҳам билсак бўлади.

Дунёдаги содир бўлаётган воқеалар таҳлилига кўра, бозор иқтисодиётига ўтишнинг икки йўли бор. Биринчиси — революцион йўл. Бу йўлни адабиётларда «буюк силжиш», «портлаш», «сакраш», «фалаж терапияси» номлари билан юритилади. Бозор иқтисодига ўтишнинг ушбу йўли Югославия, Польша, Чехия, Словакия ва бошқа Шарқий Европа мамлакатларида қўлланилган.

Иккинчиси — эволюцион (тадрижий) йўл, яъни босқичма-босқич аста-секинлик билан ўтиш йўли. Бу мустақил Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўтиш учун танлаган йўлидир. Россияда, масалан, аввал фалаж йўли қўлланилиб, кейинроқ эса кўпроқ тадрижий йўлга амал қилинмоқда.

Мамлакатимизда давлат қурилишини ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурининг ўзаги сифатида қўйидаги беш тамойилга амал қилинаётир:

I. Иқтисодиётни сиёсатдан устун қўйиб, уни мафкурадан холи қилиш. Дарҳақиқат, шу ўринда «нонсиз яшаб бўлмас, гапни ошаб бўлмас» ёки «Аввал иқтисод, кейин сиёсат» деган халқимизнинг мақоллари ёдга тушади. Халқ мақолларига амал қилмай, сиёсий мақсадларга эришиш учун иқтисодни восита сифатида фойдаланмоқчи бўлган кўпгина мамлакатларда иқтисодиёт бутунлай вайрон бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетганини, аҳоли моддий аҳволининг ёмонлашганини, ижтимоий зиддиятлар эса авж олаётганини кўриб турибмиз.

Биринчи тамойилни образли қилиб тушунтирадиган бўлсак, оч қоринга ўқилаётган энг сермазмун, кучли маъруза ҳам қулоққа ёқмайди, эшитилса ҳам етарли даражада самара бермайди. Демак, аввало, мустаҳкам иқтисодий асос (базис) тайёрлаб, сўнгра янги давлат тузилиши, демократия, эркинликлар ҳақида сўз борса, асқотади.

Иқтисодиётни сиёсатдан устун қўйиш тамойили энг халқпарвар қоида эканлиги вақт ўтган сари ҳаётда ўз исботини намоён қилмоқда.

II. Давлат иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислоҳотчиси бўлиши лозим. Тарихга назар ташласак, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш жараёни катта талофатлар, тўқнашувлар, қурбонлар бериш эвазига содир бўлган. Биз шукроналар айтиб, мана, мустақил республикамизда иқтисодий ислоҳотлар беш йил давомида чуқурлашиб бориб, янгича бозор иқтисодиёти муносабатлари ҳаётимизнинг барча жабҳаларида муносиб ўрин эгаллаб ётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бунинг сабабларидан бири, юқорида зикр этилган иккинчи тамойилга оғишмай амал қилиб боришимиздадир. Бир дақиқа ўйлаб кўрайлик, мамлакат миқёсида ислоҳотлар ўтказувчи бошқа бирор куч борми? Бордию ислоҳотларга давлат аралашмасин дейлик. У ҳолда тартибли ислоҳот ўрнига анархия, тартибсизлик, ҳар хил партиялар, гуруҳлар халқ хўжалиги «араваси»ни ҳар томонга чўзғилаб тортган бўларди. Натижада ҳеч қандай ижобий натижага эришилмасди.

Ўтиш даврида иқтисодиётни бошқаришда унинг тараққиётини ўз ҳолига ташлаб қўймай давлат бошчилигини сақлаб қолиш зарур. Чунки бозорни салбий оқибатлардан (нархларнинг ошиши, ишсизлик ва ҳоказо) аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган қисми манфаатларини фақат давлатгина ҳимоя қилишга қодир. Бундан ташқари ҳақиқий бозор муносабатларини ташкил этиш учун ишбилармонлар, тадбиркорларнинг манфаатларини ҳам давлат ҳимоя қилиши керак ҳамда иқтисодий эркинликларни таъминлаш лозим.

Давлат ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозорни тартибга солиб турар экан, умуммиллий муаммоларни ҳал этиб боради, бозорга ўтиш йўлларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, халқ хўжалигининг асосини белгилайдиган тармоқларни қўллаб-қувватлайди, қайта тақсимлаш кучи орқали кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилади. Шунингдек, давлат мамлакатдаги барча кучларни жипслаштириб, асосий мақсадларга эришиш учун йўналтиради. Жаҳон тажрибаси ҳам иқтисодий сиёсатни давлат йўли билан тартибга солиб туриш зарурлигини кўрсатиб турибди.

III. Демократик йўл билан қабул қилинган қонунларнинг ҳамма нарсадан устунлиги ва уларга барчанинг баробар сўзсиз бўйсунишини таъминлаш.

Бозор иқтисодиёти ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга таяниши билан биз ўрганган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан ажралиб туради. Матбуотда Нью-Йорк давлат автотранспорт назорати раҳбарининг автомашинасини оддий милиционер тўхтатиб, уни нормадан ортиқ тезликда юргани учун жарима солгани, Лондонда Англия қироличасини олиб юрадиган автомобиль қоидани бузганлиги учун унинг ҳайдовчиси жазоланганлиги ҳақида ва катта раҳбарлардан сурашганда қонун олдида барчамиз баробармиз, деб жавоб беришгани хусусида хабарлар чоп этилган эди. Афсуски, бизнинг собиқ совет тизимида бунинг тескариси бўлиб келган.

Бозор иқтисоди шароитида қонун-қоидалар ҳаёт тарзининг асоси бўлиши лозим. Агар бозор қоидаларининг минг йиллар мобайнида яратилганини ҳисобга олсак, мамлакатимизда бозор механизмининг талабларига мос келадиган ҳуқуқий асосини шакллантириш учун маълум вақт зарур бўлади. Зотан, бу узоқ давом этадиган, мураккаб ва такомиллашиб борадиган жараёндир.

Ёркин МУҲИБОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.

(Давоми бор).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИЛАР УЧУН ТАЯНЧ ОЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ РЎЙХАТИ ВА ТЕСТ БЎЙИЧА УЛАРГА МУВОФИҚ КЕЛАДИГАН ФАНЛАР МАЖМУАСИ

Код (*)	Таълим йўналишлари	Тест синови ўтказиладиган фанлар мажмуаси	Балл
Х001	Метематика; Амалий математика ва информатика; Касбга ўқитиш; Механика; Геология; Спорт кибернетикаси; Қурилиш; Автоматлаштириш ва бошқарув; Полиграфия; Телекоммуникациялар; Тоғ-кон иши; Электроника ва микроэлектроника; Иссиқлик энергетикаси; Авиа ва ракетасозлик; Электрон воситаларни лойиҳалаш ва уларнинг технологияси; Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари технологияси; Электромеханика ва электротехнологиялар; Ер усти транспорт тизимлари; Асбобсозлик; Электроэнергетика; Гидравлик машиналар; гидроузатма ва гидропневмоавтоматика; Технологик машиналар ва асбоб ускуналар; Авиация ва космик техника эксплутацияси; Транспорт воситалари эксплуатацияси; Метрология; Стандартлаш ва сертификатлаш; Геодезия; Радиотехника; Информатика ва ҳисоблаш техникаси; Геология ва фойдали қазилмалар разведкаси; нефт ва газ иши; Атроф муҳитни мухофаза қилиш; Агромуҳандислик; Урмон иши; Ер тузилиши ва ер кадастри	Она тили ва адабиёти< Математика Физика	1.1 3.1 2.1
Х002	Физика; Астрономия; Техник физика	Она тили ва адабиёти< Математика Физика	1.1 2.1 3.1
Х003	Кимёвий технология ва биотехнология; Металлургия; Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси	Она тили ва адабиёти< Математика Киме	1.1 2.1 3.1
Х004	Киме; Даволаш иши; Фармация; Агрокиме ва агротупроқшунослик: Агрономия; Мевасабзавотчилик; Узумчилик; Усимликларни ҳимоя қилиш; Пиллачилик; Селекция ва генетика: Зоомуҳандислик: Қоракулчилик; Ветеренария	Она тили ва адабиёти< Биология Киме	1.1 2.1 3.1
Х005	Биология; Тупроқшунослик; Экология ва табиатдан фойдаланиш	Она тили ва адабиёти Биология Киме	1.1 3.1 2.1
Х006	География; Гидрометеорология	Она тили ва адабиёти Математика География	1.1 2.1 3.1
1007	Ўзбек филологияси; Ўзбек тили ва адабиёти	Ўзбек тили ва адабиёти Чет тили Тарих (ўзбек тилида)	3.1 1.1 2.1
1008	Рус мактабларида ўзбек тили	Ўзбек тили ва адабиёти Тарих (ўзбек тилида) Иккинчи рус тили	3.1 1.1 2.1
2009	Рус филологияси; Рус тили ва адабиёти	Рус тили ва адабиёти Чет тили Тарих (рус тилида)	3.1 1.1 2.1
2010	Ўзбек мактабларда рус тили	Рус тили ва адабиёти Тарих (рус тилида) Иккинчи ўзбек тили	3.1 1.1 2.1
2011	Қорақалпоқ мактабларида рус тили	Рус тили ва адабиёти Тарих (рус тилида) Иккинчи қорақалпоқ тили	3.1 1.1 2.1
3012	Қорақалпоқ тили ва адабиёти	Қорақалпоқ тили ва адабиёти Чет тили Тарих (қорақалпоқ тилида)	3.1 1.1 2.1
3013	Рус мактабларида қорақалпоқ тили	қорақалпоқ тили ва адабиёти Тарих (қорақалпоқ тилида) Иккинчи рус тили	3.1 1.1 2.1
Х014	Шарқшунослик; Африкашунослик; Марказий Осиё халқлари тарихи; Диншунослик (исломшунослик); Осиё ва Африка мамлакатлари халқаро муносабатлари тарихи	Она тили ва адабиёти Чет тили Тарих	1.1 2.1 3.1
Х015	Фалсафа; Умумжаҳон фалсафа ва логика тарихи; Тарих; Сиёсатшунослик; Психология; Ижтимоий иш; Социология; Ҳуқуқшунослик; Ҳуқуқшунос-педагог; Кутубхонашунослик ва библиография; Маданият соҳаси менежери; Кино ташвиқоти услубчиси ва ташкилотчиси	Она тили ва адабиёти Чет тили Тарих	2.1 1.1 3.1
Х016	Иқтисодиёт; Маркетинг; Агроиқтисодиёт; Статистика: Иқтисодиётда ахборот тизими; Молия ва кредит; Иқтисодчи-педагог; Менежмент	Она тили ва адабиёти Чет тили Математика	1.1 2.1 3.1
ХО17	Ўлкашунослик (Осиё ва Африка мамлакатлари иқтисодиёти)	Она тили ва адабиёти чет тили Математика	1.1 3.1 2.1
Х018	Педагогика ва бошланғич таълим услубиёти	Она тили ва адабиёти Тарих Математика	3.1 1.1 2.1
Х019	Педагогика ва психология; Педагогика ва психология (мактабгача); Дефектология	Она тили ва адабиёти Тарих Биология	2.1 1.1 3.1
Х020	Журналистика	Она тили ва адабиёти Чет тили Тарих	3.1 1.1 2.1
Х021	Махсус алоқа	Она тили ва адабиёти Математика Физика	1.1 3.1 2.1
Х022	Педиатрия иши	Она тили ва адабиёти Биология Киме	1.1 2.1 3.1
Х023	Стоматология	Она тили ва адабиёти Биология Киме	1.1 2.1 3.1
Х024	Тиббий-профилактика ишлари	Она тили ва адабиёти Биология Киме	1.1 2.1 3.1
Х025	Роман-герман филологияси (инглиз тили)	Она тили ва адабиёти Инглиз тили Тарих	2.1 3.1 1.1
Х026	Роман-герман филологияси (немис тили)	Она тили ва адабиёти Немис тили Тарих	2.1 3.1 1.1
Х027	Роман-герман филологияси (француз тили)	Она тили ва адабиёти Француз тили Тарих	2.1 3.1 1.1
Х028	Маданий оқартув ишларининг методист-ташкилотчилиги	Она тили ва адабиёти Чет тили Тарих	2.1 1.1 3.1
Х029	Маданият соҳаси социологи	Она тили ва адабиёти Чет тили Тарих	2.1 1.1 3.1
Х030	Шарқ филологияси	Она тили ва адабиёти Чет тили Тарих	2.1 3.1 1.1
Х101	Роман-герман филологияси; Испан филологияси	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
1107	Ўзбек филологияси; Ўзбек тили ва адабиёти (**)	Ўзбек тили ва адабиёти Тарих (ўзбек тилида) 0	3.1 2.1
2109	Рус филологияси; Рус тили ва адабиёти (**)	Рус тили ва адабиёти Тарих (рус тилида) 0	3.1 2.1
3112	Қорақалпоқ филологияси, Қорақалпоқ тили ва адабиёти (**)	Қорақалпоқ тили ва адабиёти Тарих (қорақалпоқ тилида) 0	3.1 2.1
Х114	Шарқшунослик; Африкашунослик; Марказий Осиё халқлари тарихи; Диншунослик (исломшунослик); Осиё ва Африка мамлакатлари халқаро муносабатлар тарихи (**)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	1.1 3.1
Х115	Фалсафа; Умумажаҳон фалсафа ва логика тарихи; Тарих; Сиёсатшунослик; Психология; Ижтимоий иш; Социология; Ҳуқушунослик; Ҳуқуқшунос-педагог; Кутубхонашунослик ва библиография; Маданият соҳаси менежери; Кино ташвиқоти услубчиси ва ташкилотчиси (**)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 3.1
Х116	Иқтисодиёт; Маркетинг; Агроиқтисодиёт; Статистика; Иқтисодиётда ахборот тизими; Молия ва кредит; Иқтисодчи-педагог; Менежмент (**)	Она тили ва адабиёти Математика 0	1.1 3.1
Х117	Улкашунослик (Осиё ва Африка мамлакатлари иқтисодиёти (**)	Она тили ва адабиёти Математика 0	1.1 2.1
Х120	Журналистика (**)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	3.1 2.1
Х128	Маданий оқартув ишларининг методист-ташкилотчилиги (**)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 3.1
Х129	Маданият соҳаси социологи (**)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 3.1
Х130	Шарқ филологияси (**)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х150	Мусиқа-педагогика (БухДУ, ҚаршДУ, СамДУ, УргДУ, ТДПИ, НавДПИ, НукусДПИ, ҚўқонДПИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х151	Декоратив-амалий санъат ва халқ ҳунармандчилиги (НамДУ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х152	Ҳарбий чақириққа тайёргарлик ва жисмоний тарбия (БухДУ, ҚаршДУ, СамДУ, ФарДУ, ТДПИ, НавДПИ, НукусДПИ, АнгренДПИ, ЖизДПИ, ҚўқонДПИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х153	Жисмоний маданият (АнДУ, БухДУ, ГулДУ, ҚаршДУ, НамДУ, СамДУ, ТермДУ, УргДУ, ФарДУ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х154	Акробатика (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х155	Баскетбол (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х156	Бокс (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х157	Волейбол (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х158	Велосипед спорти (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х159	Гимнастика (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х160	Спорт-сув турлари (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х161	Енгил атлетика (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х162	Қўл тупи (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х163	Қиличбозлик (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х164	Оғир атлетика (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х165	Сузиш (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х166	Теннис (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х167	Футбол (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х168	Чимдаги хоккей (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х169	Эшкакли қайиқда сузиш (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х170	Эркин кураш (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х171	Юнон-римча кураш (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х172	Дзю-до кураши (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х173	Самбо кураши (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х174	Миллий кураш (Бухороча) (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х175	Миллий кураш (Фарғонача) (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х176	Шарқий якка курашлар (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х177	Согломлаштириш жисмоний маданиятини ташкил этиш (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х178	Мактабгача жисмоний тарбия (ЎзДЖМИ)	Она тили ва адабиёти Биология 0	1.1 2.1
Х179	Дизайн (ТошДТУ)	Она тили ва адабиёти Математика 0	1.1 2.1
Х180	Архитектура (СамДАКИ, ТАКИ, УргДУ)	Она тили ва адабиёти Математика 0	1.1 2.1
Х181	Тарғибот ва ташвиқотнинг тасвирли воситалари (ТАКИ)	Она тили ва адабиёти Математика 0	1.1 2.1
Х182	Чизмачилик ва тасвирий санъат (БухДУ, НамДУ, УргДУ, ТДПИ, НукусДПИ, ГулДУ)	Она тили ва адабиёти Математика 0	1.1 2.1
Х184	Инструментал ижрочилиги (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х185	Вокал ижрочилиги (ашула) (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х186	Дирижёрлик (хор) (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х187	Композиция (мусиқа яратиш) (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х188	Мусиқашунослик (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х189	Актёрлик санъати (ТошДСИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х190	Режиссёрлик (ТошДСИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х191	Санъат журналистикаси (ТошДСИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х192	Рассомлик (ТошДСИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х193	Графика (ТошДСИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х194	Интерьер ва жиҳозлаш (ТошДСИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х195	Музей иши ва ёдгорликларни муҳофаза қилиш (ТошДСИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	1.1 2.1
Х196	Декоратив-амалий санъат (ТошДСИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	1.1 2.1
Х197	Маданиятшунослик (ТошДМИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	1.1 2.1
Х198	Халқ бадиий ижодиёти (ТошДМИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	1.1 2.1
4199	Миллий мактабларда рус тили (СамДУ) (тожик тилида ўқитиладиган мактаблар учун)	Рус тили ва адабиёти Тарих 0	3.1 0
4200	Тожик тили ва адабиёти	Чет тили 0	1.1 0
5201	Қозоқ тили ва адабиёти	Чет тили 0	1.1 0
6202	Туркман тили ва адабиёти	Чет тили 0	1.1 0
Х210	Скрипка (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х211	Альт (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х212	Виолончель (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х213	Контрабас (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х214	Флейта (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х215	Габой (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х216	Кларнет (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х217	Фагот (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х218	Труба (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х219	Волторна (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х220	Трамбон (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х221	Туба (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х222	Зарбли асбоблар (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х223	Най (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х224	Прима рубоб (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х225	Қашқар рубоби (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х226	Афғон рубоби (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х227	Дутор (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х228	Дутор-бас (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х229	Доира (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х230	Ғижжак (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х231	Ғижжак-альт (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х232	Ғижжак-бас (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х233	Ғижжак-контрабас (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х234	Чанг (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х235	Танбур (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х236	Анъанавий ижрочилик (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х237	Анъанавий қўйлаш (Тошдавлатконсерватория)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х238	Мусиқали театр актёри (ТошДСИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х239	Қўғирчоқ театри актёри (ТошДСИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х240	Маҳобатли ранг тасвир (ТошДСИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х241	Театр-декоратив ранг тасвири (ТошДСИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х242	Архитектура декорациясини таъмирлаш (ТошДСИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х243	Амалий графика (ТошДСИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	2.1 1.1
Х244	Оммавий байрамлар режиссёрлиги (ТошДМИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	1.1 2.1
Х245	Ҳаваскорлик театр жамоаси раҳбарлиги (ТошДМИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	1.1 2.1
Х247	Дам олишни ташкиллаштириш (ТошДМИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	1.1 2.1
Х249	Ҳаваскорлик хор жамоаси раҳбарлиги (ТошДМИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	1.1 2.1
Х250	Ҳаваскорлик халқ мусиқа жамоаси раҳбарлиги (ТошДМИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	1.1 2.1
Х251	Ҳаваскорлик пуфлаб ижро этиладиган чолғулар жамоаси раҳбарлиги (ТошДМИ)	Она тили ва адабиёти Тарих 0	1.1 2.1

Изоҳлар: Чет тилидан тест синовлари уч тилда — инглиз, немис ва француз тилларида ўтказилади.

(*) — мутахассислик кодида «Х» белгиси ўрнига ўқиш олиб бориладиган тилнинг мувофиқ рақами кўрсатилади:

1 — ўзбек тилида умумий асосда кирувчилар учун;

2 — рус тилида умумий асосда кирувчилар учун;

3 — қорақалпоқ тилида умумий асосда кирувчилар учун;

4 — ўзбек тилида мажбурий ҳарбий хизматни ўтаб ҳарбий қисмларнинг тавсияномаси билан келган абитуриентлар учун;

5 — рус тилида мажбурий ҳарбий хизматни ўтаб ҳарбий қисмларнинг тавсияномаси билан келган абитуриентлар учун;

6 — қорақалпоқ тилида мажбурий ҳарбий хизматни ўтаб ҳарбий қисмларнинг тавсияномаси билан келган абитуриентлар учун;

Коди 100 дан юқори бўлган мутахассисликлар учун тест синови билан бир қаторда профил (ижодий) имтиҳонлар ўтказилади.

(**) — мактабда инглиз, немис ёки француз тилидан бошқа бирор чет тилини ўрганган ва шу тил бўйича-профил имтиҳони топширган абитуриентлар учун.

ҲАМ РОҲАТ, ҲАМ МЕҲНАТ

Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси ўқувчиларнинг таътил даврида намунали дам олишини яхшилаш мақсадида мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, қатор оромгоҳлар очди. Жумладан, Хонобод шаҳридаги иқтидорли болалар марказида 720, Хўжаобод туманидаги «Ордай» оромгоҳида 960, Пахтаобод туманидаги «Гулистон» оромгоҳида бу йил биринчи марта 300 нафар ўғилқиз кўнгилли дам олаётир. Шунингдек, 9 та ҳунар-билим юрти қошида ташкил этилган «Меҳнат — роҳат» дам олиш оромгоҳларида ҳам 1350 нафар ўқувчи меҳнат қилиб, ҳордиқ чиқармоқда.

А. ЭРАЛИЕВ.

Олтин ёз — ўтмоқда соз !

ЗОМИН ТОҒЛАРИ БАҒРИДА...

Сирдарё тумани халқ таълими бўлими ва халқ маорифи ходимлари касаба уюшмалари туман қўмитаси раҳбарлари ўқув йили тугаши биланоқ мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларининг ёзги таътилини мазмунли ўтказиш юзасидан қатор тадбирлар белгилагандилар. Бу режа амалда бажариляпти. Жумладан, ёз мавсумида 10 та мактаб қошида соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилди. Мазкур масканларда ўқувчиларнинг кўнгилли дам олишлари учун 320 нафар ўғилқизга имтиёзли (арзон нархда) йўлланма берилди. Туман мактаблари қошида ташкил этилган спорт-соғломлаштириш майдончаларига эса 1080 нафар ўқувчи жалб этилди.

Сирдарёлик ўқувчиёшлардан 200 нафари Жиззах вилоятининг тоғли Зомин туманида — Зомин тоғлари бағрида қўним топган Назарбек Ҳайдаров номли ўқувчилар оромгоҳига жўнатилди. Бу тадбирни амалга ошириш учун Сирдарё туман халқ таълими бўлимининг назоратчиси Бобожон Абдалиев масъул қилиб тайинланди. Ўқувчи ёшларни сўлим оромгоҳ директори Абдуқодир Нурматов, ёш тарбиячи Бегимқул Шералиевлар шарқона меҳмондўстлик билан кутиб олдилар.

Шунингдек, Сирдарё туман халқ маорифи ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси мактаб ўқитувчиларининг ёзги дам олишини намунали ташкил этиш ва уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш юзасидан ҳам зарур чора-тадбирларни амалга ошираётир. Шу йилнинг биринчи ярмида ўқитувчилардан 21 кишига мамлакатимизнинг турли жойларидаги санаторийларга йўлланма берилди.

Анвар ИМОМОВ,
Мамаражаб ЁҚУБОВ.

Хулласи...

ЧЎПОЁҚҚА ЭП ОЁҚ

Фарангистоннинг Аркашон шаҳри аҳолиси қадимдан чўпоёққа ишқибоз. Бу ерда ўтадиган сайилу байрамлар чўпоёқ ўйинисиз ўтмайди. Дарвоқе, бу ерда чўпоёқда бемалол югура олувчинигина мазкур ўйиннинг устаси дея тан олишади.

Ҳар баҳорда Аркашонда мусобақа ташкил қилинади. Унинг шарти бўйича иштирокчилар 105 километрли масофани чўпоёқда босиб ўтишлари зарур. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Шу боис, ҳуққабозлар мусобақага бир йил узлуксиз тайёргарлик кўришар экан.

КУЙСЕВАР НАҲАНГЛАР

Яқинда олимлар кашф этишди: наҳангларнинг бир неча турини маълум частотадаги товушлар ўзига жалб этади. Бироқ, улар ўз кашшофлиги билан узоқ мақтанишолмади. Чунки, бу ҳолат Индонезия ва Сенегал балиқчиларига аллақачонлар маълум экан. Улар кокос ёнғоқлари пўчоғидан турли ҳуштаклар ясаб, наҳангларни маҳлиё этиб, тумшуғидан илинтиришаркан.

РАНГ КЎР, ҲОЛ СЎР

Дунёда тақвимлар кўп: стол тавқими, девор тақвими, чўнтак тақвими... Қуйида сизга айтмоқчи бўлган тақвимни боғтақвим деб атадик. Гап шундаки, Марказий Америкада гилия деб аталувчи дарахт ўсади. Унинг рангига қараб, бемалол йил ва ойларни аниқлаш мумкин. Масалан, май ойида дарахт қизил, августда оқ тусга киради ва ҳоказо.

Кейин аниқланишича, гилия чангловчиларни ўзига жалб этиш учун шундоқ турланиб турар эмиш.

ПАТПАЙПОҚ

Кийимлар тарихига назар ташласангиз, уларни тайёрлашда турли материаллардан фойдаланилган: жун, ип, синтетик ипак ва ҳоказо. Лекин, Перу ҳиндулари киядиган пайпоқлар антиқа материалдан тайёрланган. Туб аҳоли уни, агар таъбир жоиз бўлса, қушнинг патидан «тўқишади». Бу пайпоқлар иссиқ ва чидамли бўлади.

ТУЛКИНИ ДОҒДА ҚОЛДИРАДИ

Эфиопия ясси тоғларида, Аруси ва Бале музофотларида шоқоллар яшайди. Бу шоқоллар ўз айёрлиги билан тулкини ҳам доғда қолдиради. Шоқол ўн, ҳатто ундан ортиқ дақиқалар мобайнида ўзини ўликка солиб ётиши мумкин. Шу тахлит у «лақма ҳайвонлар»ни боплаб домига илинтирар экан.

ана шунақа гаплар.

Кўнгил тубидаги тўйғулар



Шоир Икром Отамурод номини маориф аҳли, айниқса, ижодкор ўқитувчилар ҳурмат билан тилга олишади. Боиси, беш йилдан буён ўтказиб келинадиган Республика ижодкор ўқитувчилар анжуманида Икром ака фаол қатнашиб, ижодкор ўқитувчиларимиз билан ҳамкорлик қилиб келадилар. Алалхусус, рўзномамизда шоирнинг янги ёзган шеърларидан намуналар беришни фарз билдик.

Икром ОТАМУРОД

* * *

Канглум, яна сенга бақамти келдим,
канглум, яна мендан кўтдинг ҳидоя.
Канглум, юрган йўлларим сен сори елди,
канглум, турган бекатларинг менда
ниҳоя.

Канглум, яна сенга қилдим тавалло,
канглум, яна менга термулдинг сузор.
Канглум, мен — ситамлар пайкони, илло,
канглум, сен — андуҳлар узилган узор.

Канглум, менга таъсиб кунёлар жизғонч,
канглум, сенга етмайди қасм шитоби,
Канглум, менга насиб дунёлар қизғонч,
канглум, сенга қотмайди насим итоби.

Канглум, сенинг тасаллинга
зориқдим яна,
канглум, менинг таскинимга интизор
анғиз.
Ёл из ўлтирибман, канглум, ёлғизинам,
сен — менда ёлғизсан, мен - сенда ёлғиз.

Канглум, яна сенга бақамти келдим,
канглум, яна мендан кўтдинг ҳидоя.
Канглум, юрган йўлларим сен сори елди,
канглум, турган бекатларинг менда
ниҳоя.

* * *

Туфроққа сингиган томчидек маҳзун
кетдинг жим, юрагим зориқди,
Ҳажрнинг шафоат дамлари афзун,
умиднинг қайрилган қири ориқдир.

Настарин чечаги сирин айтмади,
мушкини сочмади суманбар ақал.
Ўртанган дилимда чатнади —
себарга тўқиган тақал.

Бувишим зорингга айландим,
айландим армонга шаҳсувор,
Дилситон хорингга айландим -
ғамгусор, ғамгусор, ғамгусор.

Недур, хотираларга, нигорон боқиб,
недур, соғинчларни титаман секин,
Муштипар хотирлар маҳфил манақиб,
мушфиқ соғинчларим қалқийди сокин.

Туфроққа сингиган томчидек маҳзун,
кетдинг жим, юрагим зориқди.
Ҳажрнинг шафоат дамлари афзун,
умиднинг қайрилган қири ориқдир.

* * *

Мен сенга қараганда, дарахтлар тўсиқ
бўлди,
Бўй-бўйига қизғониб, йўллар ҳам ўсиқ
бўлди,
Канглум маҳзанларида унгани ўксик
бўлди,
Сенсан менинг ҳижроним,
менман сенинг ҳижронинг.

Кўзларим қарағида ғамларим оқиб
бўлди,
Ўнг келмаган тушларим бағрини ёқиб
бўлди,
Ишқ меҳварига армон кошинлар тақиб
бўлди,
Сенсан менинг ҳижроним,
менман сенинг ҳижронинг.

Лаб босганим ташналаб дарёлар қуриб
бўлди,
Жонима ситам бериб, жонима чириб
бўлди,
Мен меҳмон бўлган дунё бунчалар ғариб
бўлди,
Сенсан менинг ҳижроним,
менман сенинг ҳижронинг.

Мен сенга қараганда, дарахтлар тўсиқ
бўлди,
Бўй-бўйига қизғониб, йўллар ҳам ўсиқ
бўлди,
Канглум маҳзанларида унгани ўксик
бўлди,
Сенсан менинг ҳижроним,
менман сенинг ҳижронинг.

* * *

Субҳисодиқ. Йўл чиннидай тоза,
тун тахмонига тахланган чанглар.
Шудрингларга чўмиб ҳавоза,
насимларга босади танглай.

...бир қиз — кокиллари чамбар,
тонг бағрига кирар сузилиб.
Йўл бетига сочади анбар,
райҳонларга илки чўзилиб...

Тинчлик корпуси – инглиз тили ўқитувчиларига

June 1996 Issue No. 20 *English Teachers' Newsletter of Uzbekistan*

Letter from the Editors

Hurray!! For most teachers the school year is over. For some of us it will continue into July. But before you close up your books and
lock your classrooms we've got one more edition of In English for you to read.

We are thinking ahead and so have included an article that may help you start next year. School begins after the celebration of Independence Day in Uzbekistan. Why not consider continuing the celebration by just one more day and make an Independence Day party for your English students?

Some teachers and students will be taking two weeks off to go to the Amir Timur English Immersion Summer Camp near the town of Gazalkent. They will have a chance to speak English non-stop with Americans in an American-style camp. But mostly we realize that you are looking forward to a long summer with your families.

We have appreciated your support of this newsletter and hope that you find it useful. This was In English's first year and we are proud of what we have accomplished. Next year we will continue to grow and improve with your help.

In English will be back in September with more ideas and information for English teachers.

Sincerely,

Anne Hauk
Joe Dalsin
Co-Editors

Independence Day Party

Muhabbat Zokirjanova
Uchkurgan Town, Namangan Region

August 31st is Independence Day for Uzbekistan. It is also the beginning of the school year. Why not start the year with an English party and celebrate this important day with your students?

I arranged this English party under the title "Glorify Our Independent Republic of Uzbekistan!" I prepared this party between two 11th year forms. One team called itself "Best of the Best" and the other "Golden Stars".

There were three stages to this party. The first stage was a newspaper. Each team published an Independence Newspaper which was put up on the classroom wall. The newspapers were full of articles, drawings and information about Uzbekistan's independence. The artistry and content were judged by the English teachers. The team with the winning newspaper received five points.

The second stage was a competition. A member from each team took turns answering a question. If they could not answer the question or answered it incorrectly, the other team had a chance to come up with the correct answer. The competition was called "Who Knows the Historical Dates of Uzbekistan?":

Questions

1. When was the Independence of Uzbekistan proclaimed?
2. What happened on the 21st of October, 1989?
3. When was Uzbekistan enrolled as a member of the United Nations?
4. When was the national flag of Uzbekistan accepted?
5. When was our state emblem adopted?
6. When do Uzbek people celebrate Constitution Day?
7. When was the Law on Education adopted?
8. When was the anthem of our Republic accepted?
9. When do Uzbek people celebrate Remembrance Day?
10. When do we celebrate National Army Day?

Answers

1. first of September **2.** Uzbek became the official language of our Republic **3.** March 2, 1992 **4.** November 18, 1991 **5.** third of July **6.** eighth of December **7.** July 2, 1992 **8.** December 10, 1992 **9.** The last Sunday of March **10.** fourteenth of January.

Each correct answer received one point.

The third and final competition was between the team leaders. They had to make up as many English words as they could out of the word "Uzbekistan." Some examples are a, an, ate, bat, bet, bake, beak, beat, beast, best, but, eat, is, snake, stab, sun, task and take. Each correct word was worth one point. The team with the most points at the end of all competitions was the winner.

An English party is a good way to start off the year. Using a theme like "Uzbekistan's Independence" also helps students learn about their own history--a history and a future in which they are very much a part. But you may use any theme and at any time of the year. There is always a reason to celebrate!

This is a forum for local and foreign English teachers working in Uzbekistan. If any school, institute or university teachers would like to write an article for IN ENGLISH, the ENglish Teachers' Newlsetter of Uzbekistan, please submit your idea to a Peace Corps Volunteer or write to the following address.

TASHKENT
BOX 476
ENGLISH TEACHERS' NEWSLETTER

Дарсликларни варақлаганда

ГРАФИКА — НАФОСАТ ТАЪЛИМИ

Яқинда «Ўқитувчи» нашриёти иқтидорли олим А. Умронхўжаевнинг «Техникавий графика асослари» дарслигини нашрдан чиқарди. Дарслик Республика Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган дастурга мувофиқ ёзилган.

Педагогика фанлари номзоди А. Умронхўжаевнинг бу дарслиги ўзбек миллий фани тараққиёти, маънавият ва маърифати асосларини қамраб олганлиги билан диққатга лойиқ.

Дарсликнинг «Кириш» қисмидаёқ қадимги Шарқ мамлакатлари, хусусан, Самарқанд, Хива, Бухоро ва бошқа архитектура ёдгорликларига бой шаҳарларнинг қурилиш иншоотлари учун мумтоз меъморлар чизмалари ҳақида маълумотлар берилган. Бу ўқувчиларни миллий қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Кейинги бобларда геометрик ясамалар, проекциялаш усуллари, аксонометрик проекциялар, эскизлар, кесимлар ва қирқимлар, техникавий графикада шартлилик, деталларнинг бириктмаларини тасвирлаш, йиғиш чизмалари, қурилиш чизмалари, схема-чизмаларига тегишли масалалар назарий ва амалий жиҳатдан кўрсатилган. Дарсликнинг ҳар бир боби ва кичик мавзуларида дастлаб назарий билим берилиб, кейин улар такрорлаш ва мустаҳкамлаш учун зарурий, аниқ саволлар ҳамда машқлар билан тўлдирилади. Бу методик усул ўқувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиришга, фазовий тасаввурини ривожлантиришга ёрдам беради.

Дарсликнинг ўзига хос қиммати шундаки, унга киритилган мавзулар ёшларни техникавий ва меъморий касбларга йўллашни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, геометрик ясамалар, техникавий графикада шартлилик, деталларнинг бириктмаларини тасвирлаш, йиғиш чизмалари сингари масалалар техникага бўлган қизиқишини тарбияласа, қурилиш чизмалари, схема-чизмалари ва шу каби мавзулар меъморчилик ҳамда электр техникасига нисбатан ўқувчиларда қизиқиш уйғотади.

А. Умронхўжаевнинг «Техникавий графика асослари» дарслиги илгари фойдаланиб келинган, рус муаллифлари томонидан тайёрланган «Чизмачилик» дарслигидан нимаси билан фарқланади, деган ҳақли савол туғилади. Аввало, янги дарслик муаллифи мумтоз меъморларнинг ноёб шарқона меъморий ёдгорликларини яратишда фойдаланган ўзига хос чизмалари ва уларнинг миллий қадриятларга муҳаббат ҳиссини уйғотишига алоҳида эътиборни қаратган.

Янги дасрликда график тасвирлаш усуллари хусусидаги таъриф ва қонуниятлар умумлаштирилган, айниқса, геометрик ясашларга кўпроқ жой ажратилган бўлиб, чизма техникасининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган. Илгариги таржима дарсликларида компьютер техникасига эътибор берилмасди. А. Умронхўжаев эса компьютер техникасидан фойдаланиш усули ва методларини унумли ва самарали қўллашга диққат-эътиборни қаратган.

«Техникавий графика асослари» дарслигини таҳлил қилиш жараёнида айрим мулоҳазалар ҳам туғилиши табиий ҳолдир. Бу, биринчидан, китоб бичимининг кичиклигида кўзга ташланади. Кўпчилик чизмалар ва график топшириқлар майдалашиб қолган. Натижада бу болаларда айрим чизиқларни илгаб олишга қийинчилик туғдиради. Иккинчидан, айрим чизмалар ва уларни тафсифлайдиган матнлар рангли тасвирда берилса, яхши бўларди. Чунки рангли тасвир баъзи детал ва фигураларнинг кўринмайдиган томонларини идрок ва тасаввур қилишда муҳим аҳамият касб этади. Жиддий камчилигидан қатъий назар янги дарслик мактабларда чизмачиликни ўргатишда муҳим аҳамият касб этади.

Зафарбек ОЧИЛОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти аспиранти.

Спорт

БЕЛЛАШУВДАН БЕЛЛАШУВГА

Бугунги кунда болаларга бериладиган эътибор, уларнинг қалбига йўл топиш, орзу-умидлари ва интилишлари билан қизиқиш янги истеъдодларни кашф этиш демакдир. Уларни турли йўналишлар бўйича маънавий етук этиб тарбиялаш давр талабидир.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази йил давомида турли мусобақалар ва тадбирлар ўтказиб келади. Республика миқёсида 1996 йил 18-20 июнь кунлари Навоий вилоятида ўтказилган картинг мусобақаси ҳам бунинг далили бўлди.

Картинг мусобақасида 9 та вилоятдан жамоалар иштирок этди ва у турт йўналиш бўйича олиб борилди. Қатнашчилар ўртасида йўналишлар бўйича амалий билимлар билан биргаликда назарий билимларни синаш мақсадида тест саволлари ҳам ўтказилди.

Ҳакамлар ҳайъати қатнашчилар ишини муносиб баҳолади ва Навоий вилояти жамоаси 1-ўринни эгаллади.

Шунингдек 25-28 июнь кунлари Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида кемасозлик бўйича мусобақа ҳам бўлиб ўтди. Еттита йўналиш бўйича олиб борилган, бу мусобақада республикамизнинг 10 та вилоятидан жамоалар иштирок этишди.

Қатнашчилар ўзлари ихтиро этган кемаларини оммага намойиш этишди. Мусобақа натижасига кўра эса, Самарқанд вилояти жамоаси биринчи бўлди.

Л.ТЎХТАЕВА.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Ҳасанхон Исломов номидаги 41 - ўрта мактаб жамоаси шу мактаб ўқитувчиси Муҳаббат АСАДОВАГА ўғли ШУҲРАТнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ма'рифат
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Икром Искандар, Қурбонбой Матқурбонов.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0381. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6